*ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА*

# ИМЗОЛАР ОРТИДАГИ МИЛЛИОНЛАР

**Ихтисослаштирилган Акционерлик Тижорат «Пахта-банки»нинг Самарқанд вилояти филиали бошлиғи Фаҳриддин ҲАМРОЕВ билан мухбиримизнинг мулоқоти:**

**— Ҳисоб-китобда рақамнинг катта-кичиги бўлмайди. Банк бошқарувчиси сифатида ҳар куни қанча-қанча ҳужжатларга имзо чекасиз. Бу имзолар ортида миллионлаб пул ётади. Хато қилиб қўйишдан чўчимайсизми? Ё ҳужжатларни имзолашни оддий ҳол деб биласизми?**

— Ҳақиқатан ҳам мен кунига кўпгина ҳужжатларга имзо чекаман. Ҳар бир ҳужжатнинг қонунийлиги мижознинг Низоми ва унинг банк билан тузган шартномалари (мажбуриятлари)ни тўлиқ билган ҳолда бўлиши лозим. Ҳужжатларни имзолашни оддий ҳол деб билмайман, қандай масъулиятни зиммамга олаётганлигимни ҳис қиламан.

**— Пул яшаш тарзининг биринчи эҳтиёжи эканлигини тан оласизми?**

— Республикамиз сўмининг азизлигини тан оламан. Лекин, ҳаётдаги яшаш тарзининг биринчи навбатдаги эҳтиёжини пул билан боғлиқ эмас деб ўйлайман. Ҳаётда инсон учун пулдан ҳам азизроқ нарсалар борлигига шубҳа қилмайман.

**— Вилоятда сўмнинг қадрсизланишининг олдини олиш учун қандай чоралар кўриляпти? Ва қандай имкониятлар бор?**

— Сўмнинг қадрсизланишининг олдини олиш учун банк ғазналаридан муомалага чиқарилаётган нақд пулларнинг савдо-тижорат тузилмалари орқали кўпроқ қайтиб тушиши устидан назоратни кучайтириш керак. Савдо шахобчаларини аҳоли эҳтиёжини қондирадиган товарлар билан тўлдириш ва кўпайтириш лозим деб ўйлайман.

Шунингдек, ўзимизнинг ички имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда хориждан замонавий технологияларни олиб келиб, уни жорий қилиш орқали аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган товарларни Республикамиз ҳудудида ишлаб чиқариш ва уларни миллий валютамизга сотишимиз керак. Агар шундан кейин ҳам эҳтиёж туғилган тақдирдагина четга мурожаат қилишимиз мумкин бўлади.

Республика миқёсида сўмнинг қадрини сақлаб қолиш ва унинг харид тўлов қобилиятини ошириш учун иложи борича жаҳон андозаларига мос келадиган экспортбоп ва импортнинг ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйиб, уни ривожлантириш ва кенгайтириш лозим.

**— Сизнинг пулга муносабатингиз қандай?**

— Ҳар бир инсон ўзининг оиласи учун зарур бўладиган эҳтиёжини қондириш учун меҳнат қилади, қилган меҳнати эвазига маълум миқдорда маош олади ва шу орқали оиласини боқади.

**— Мижозларнинг сизлардан бошқа банкка ўтиб кетиш ҳолатлари ҳам бўлиб турадими? Бунга нима сабаб деб ўйлайсиз? Ўтган йилга нисбатан улар сонида қай томонга ўзгариш бўлди?**

— Ҳа, бу ҳолатлар бўлиб туради. Яъни, бу нарсалар банк томонидан кўрсатиладиган хизмат сифати, муомала маданияти, ходимларнинг билим савияси, банкнинг молиявий аҳволи, мижозлар вакиллик варақасининг аҳволи билан бевосита боғлиқдир.

Янги ҳисоб рақамини очиш ёки битта банкдан иккинчисига ўтиш мижознинг ихтиёрида, қайси банкни лозим топса, ўша ерга мурожаат қилади. Шу билан бирга шуни ҳам таъкидлашим жоизки, илгари бизнинг вакиллик варақамиз мавжуд бўлган тақчилликлар бугунги кунга келиб тўлиқ бартараф этилди десам ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Вилоятимиздаги бўлимларимизда хизмат кўрсатилаётган мижозлар сонини оладиган бўлсак, улар сони 1996 йилнинг 1 декабрь ҳолатига 1995 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 500 тага кўпайган.

Ихтисослаштирилган Акционер-тижорат «Пахта-банки»нинг вилоят ва жойлардаги бўлимларининг асосий мақсади вилоятдаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига яқиндан ёрдам кўрсатиш, кўпроқ хизмат қилиш, уларнинг молиявий аҳволини яхшилаш ва иқтисодини кўтариш, колхозчиларнинг ижтимоий ҳаётини фаровонлаштиришдан иборатдир. Яъни, бугунги кунда банк билан мижоз биргаликда ҳамнафас бўлиши лозим.

**— Вилоят хўжаликларининг ҳозирги кунда банк қарзлари 629,6 миллион сўмни ташкил этар экан. Банк-чи? Мен муддатида тўланмаган иш ҳақи ва нафақаларни назарда тутаяпман.**

— Тўғри, бугунги кунда корхоналар ва ташкилотлар қаторида банк ходимлари ҳам ўз вақтида иш ҳақини олишмаяпти. Ҳозирги кунда муддатида тўланмаган иш ҳақи катта суммани ташкил этади. Бунга асосий сабаб мижозлар ҳисоб-китоб рақамларида маблағнинг йўқлиги ва юқорида таъкидлаб ўтганимдек, муомалага чиқарилган нақд пулларнинг банк ғазналарига тўлиқ қайтиб тушмаслигидир. Корхоналар ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоб рақамларида маблағнинг бўлмаслигига бирдан-бир сабаб томонлар бўйича тузилган «буюртмалар портфели»нинг тўлиқ бажармаслигидадир.

**— Мижозлар сизни ҳам дуо қилиб туришадими? Қайси ҳолатларда?**

— Мижозларнинг дуосини олиш жуда яхши нарса. Иложи борича ҳар бир мижознинг ишини ижобий равишда ҳал қилиб бера олсам, ўзимни бахтиёр сезаман, шунинг ўзини дуо деса бўлади. Ҳозирги мураккаб шароитда бунга эришиш жуда қийин.

**— Банк иши ўта синчковлик, зийраклик, ҳисоб-китобни қаттиқ тартибда олиб боришни, ходимларга нисбатан ўта қаттиққўлликни талаб қилади. Сиз-чи, сиз қандай раҳбарсиз?**

— Ҳақиқатдан ҳам банк иши ўта синчковлик, аниқлик, зийраклик, ҳисоб-китобни қаттиқ тартибда олиб боришни, ходимларга нисбатан ўта қаттиққўлликни талаб қилади. Лекин, мен ўзимга холисона баҳо бера олмайман, бизнинг ишимизда ўзимизга яраша ютуқларимиз билан бирга камчиликларимиз ҳам мавжуд.

Вақти келганда ходимларга нисбатан фақат қаттиққўллик эмас, балки уларни қилган меҳнатига яраша моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш, керак бўлса оилавий шароитидан хабардор бўлиб, аҳволини сўраш ҳам раҳбарнинг вазифасига киради.

**— Мижознинг истаги — қонун дейишади. Бугунги кун мижозлари сизлардан кўпроқ нималарни талаб қилишади?**

— Мижознинг истаги — қонун, деганларига тўлиқ қўшила олмайман. Чунки кўпгина мижозларимиз фақаттина Низомларида кўрсатилган иш фаолиятлари билан шуғулланишади, айримлари эса аксинча.

**— Банк тизимида ишлашингиз ўзингизга маъқулми? Демоқчиманки, ишингиздан кўнглингиз тўладими? Ҳар бир раҳбар ошкора бўлмаса-да, пинҳона ўзининг қандай ишлаётганини баҳолай билади.**

— Банк тизимида ишлашим ўзимга маъқул, лекин ҳозирча қилинаётган ишлардан унчалик кўнглим тўлмайди. Бугунги кунда 1994-1995 йиллардаги, банк ссудаларининг тўлиқ қайтарилмаслиги сабабли ишлаб чиқаришга кредит бера олмаслигимиз, иш ҳақига нақд пулни тўлиқ топиб бера олмаслигимиз муаммолардан саналади.

**— Ўзингиз, оилангиз ҳақида гапириб берсангиз. Улар сизнинг ишингизга қандай қарашади?**

— Тошкент халқ хўжалиги олийгоҳини иқтисодчи мутахассислиги бўйича тугатганман. Банк соҳасида 1986 йилдан буён ишлаб келмоқдаман. Оилалиман, 5 нафар фарзандим бор. Ишдан бўш вақтларимни оилам билан бирга ўтказишга ҳаракат қиламан, бунда бола тарбиясига эътиборни кўпроқ жалб қиламан. Оила аъзоларим менинг ҳозирги қилаётган ишларимга ижобий ёндашишади.

**— Банк ходимлари ўзларига берилган имкониятлардан тўлиқ фойдалана олаяпти, деб ҳисоблайсизми?**

— Ҳозирги банк соҳасидаги ёш ходимлар мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишаяпти деб бўлмайди. Ҳозирги кун улардан замонавий техникани мукаммал билишларини, чет тилларини ўрганишларини янада жонлантиришларини ва бу нарсаларга қизиқишни тобора орттиришларини талаб қилади.

— Ҳукуматимиз томонидан қилинган қарорга мувофиқ барча тижорат банклари жаҳон стандартлари счётлар режасига ўтиши муносабати билан 1994 йилнинг 1 июлидан 1997 йилнинг 31 декабригача ҳар хил турдаги солиқлардан озод қилинган. Бунинг ҳисобига бугунги кунда банк тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаш учун илғор ва замонавий технологияларни жорий этиш, лоақал алоқасини тўлиқ йўлга қўйиш ишлари амалга оширилмоқда.

Бизда бугунги кунда вилоят банкининг жойлардаги бўлимлари, Республика «Пахта-банки», вилоят Марказий банки ва тижорат банклари билан алоқаси мустаҳкам.

**— Банк тизими иши жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган бўлиши учун бугунги банк ходимлари қандай талабларга жавоб беришлари керак деб ўйлайсиз?**

— Банк ходими ўта билимдон, Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Республика Қонунлари, Марказий банк қўлланмаларини тўлиқ биладиган бўлиши шарт. Хорижий тилларни ўрганиш учун ўз устида кўпроқ ишлашлари, мижозлар билан муомала қилаётганда хушмуомала, кези келганда шароитни тўғри тушунтириб бера оладиган бўлишлари керак. Бундан ташқари, ходимлар жаҳон банкларининг фаолиятини чуқур таҳлил этиб, уни ўзимизда жорий қилишни ўрганишлари лозим.

Шуни ҳам мамнуният билан айтиб ўтишим ўринлики, Республика ҳукуматининг катта ғамхўрлиги туфайли тижорат банклари энди жаҳон стандартлари счётлар режасига ўтиб ишлашни бошлайди.

**— Ташаккур!**

**Гули ЧЕҲРА,**
**суҳбатлашди.**

# НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ МЕЗОНИДИР

Аслида, бошқарув тизимларини номарказлаштириш ҳар бир тараққий этган демократик йўлни танлаган давлат учун оддий ҳолдир. Чунончи, Америка Қўшма Штатлари ёки Буюк Британия, Франция мамлакатларини бугунги кунда «тепа» дан туриб бошқарилиши ақл бовар қилмайдиган ҳолдир. Жумладан, АҚШнинг ҳар бир штатига бугунги кунда шунчалик кўп ҳуқуқ берилганки, уни мисоли мамлакат ичидаги мамлакатга тенглаштириш мумкин. Бу эса ўз-ўзидан штатларнинг шарт-шароитларидан келиб чиқиб, алоҳида тараққий этиб, умуман давлат фаравонлигини таъминлашга ўз ёрдамини бераётганини АҚШда ҳаёт даражасининг ниҳоятда юқори эканлиги ҳам кўрсатиб турибди.

Бизда-чи?

Тўғри, эскидан сақланиб келаётган бошқарувнинг марказлаштирилган усули, яъни бошқарув тизимининг юқоридан қуйигача туриши жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўлиб турганидан кўз юмушимиз нотўғри бўлар эди. Лекин, бу ҳолатнинг кўпга чўзилмаслигини тараққиётимизнинг бугунги куни яққол кўрсатиб турибди. Республикамиз Президенти И. Каримов ҳам бу масалани бугунги кундаги аҳамиятига катта эътибор қаратиб Олий Мажлисининг VI-сессияда сўзлаган нутқида ана шундай фикрни билдирган эди: «Республика ва маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ваколатлари чегараланди. Жойларда вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият институт — ҳокимлик лавозимлари жорий этилди. Уларнинг ваколат доираси изчил равишда кенгайиб бормоқда».

Демак, марказдаги ваколатларнинг аксарият қисмини қуйи поғоналарга жойлардаги маҳаллий бошқарув органларига бериш деганда, энг аввало ўша жойларнинг гуллаб — яшнашига, аниқроғи, жойлардаги аҳолининг турмуш шароитининг ошишига ёрдам бериш шубҳасиздир. Авваллари йирик саноат корхоналари фақат пойтахтда ёки бўлмаса вилоят марказлари, катта шаҳриларда бунёд этиларди. Энди қишлоқ жойларига, кичик шаҳарларга, жуда борса туман марказларига саноатни олиб кириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Буни биз Андижондаги «УзДЭУавто» ишлаб чиқариш қўшма корхоналари ёки бўлмаса Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида бунёд этилаётган янги типдаги нефтни қайта ишлаш заводи мисолида кўришимиз мумкин.

Саноатни қишлоқ жойларига олиб киришнинг бир қанча ижобий томонлари бор, албатта. Биринчидан, ишсизлик масаласи барҳам топиб, кўплаб ёшлар иш билан таъминланади. Агар биз қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучини мавжудлигини ҳисобга олсак, бу масаланинг айни муддао эканлиги яққол намоён бўлади.

Иккинчидан, қишлоқ инфраструктураси ўзгариб, турмуш шароити, яшаш услуби ўзгариб, у ерда дунёқарашнинг ўзига хос услубда ривожланиши вужудга келади.

Бир қарашларимиз номарказлаштиришнинг фақат бир томонидир.

Иккинчи томони шундаки, маҳалла ҳокимиятлар ролини ошириш уни тараққий эттириш (такомиллаштириш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади).

Президентимизнинг қуйидаги сўзлари эса бунга ойдинлик киритиши муқаррардир: «Давлатнинг вазифалари қисқариб боришига монанд равишда давлат аппарати таъминоти учун сарф-ҳаражатлар ҳам изчиллик билан камайтириб борилади.

Шу билан бир вақтда хўжалик тузилмалари ва субъектларига мумкин қадар кўпроқ эркинлик бериш, уларнинг ишига давлат аралашувини тўхтатиш йўлидан бориш лозим».

Демак, қуйи пағонадаги маҳаллий ҳокимиятлар қачон тепадан буйруқ кутмай, ўзларининг шарт-шароитларидан келиб чиқиб иш юритишлари, қолаверса, умуман ҳокимиятларнинг иш услубини такомиллаштириш бўйича конструктив таклифлар билан юқори органларга чиқишлари зарур бўлади. Бу усулнинг ниҳоятда самарали эканлигини Франция ёки Англия давлатлари мисолида кўришимиз мумкин. Мисол учун, Франциядаги бошқарув тизими шундайки, унда муниципал ҳокимиятлар (улар туман ҳокимлиги даражасида) мамлакат бошқарувида муҳим роль ўйнайди, яъни Марказий органларга фақат мудофаа, ташқи ишлар, ташқи иқтисодий алоқалар, ички ишлар билан шуғулланиш юклатилган. Қолган барча ишларни қуйи органлари марказдан буйруқ кутмасдан қонунлар асосида амалга оширадилар.

Бизда ҳам мамлакат бошқарувида маҳаллий ҳокимиятлар, улар билан бир қаторда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, қолаверса, нодавлат бирлашмалари ролини оширишни давр тақозо этади.

Турли қараш ва иш услубларига эга бўлган ташкилотлар эса сўзсиз мамлакат тараққиётида, ўз ўрнига эгадирлар.

Президентимиз И.Каримов ҳам айнан ана шу масалаларга аҳамият бераётгани ҳам унинг долзарблигидан далолат беради. Жумладан, Президентимиз шундай дейди: «Бугун эришилган марралардан туриб, ўз олдимизга демократик, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифасини қўяр эканмиз, пировард мақсадга эришиш — фуқаролик жамиятини қуриш заруратидан келиб чиқиб иш тутмоғимиз даркор.

Яъни шундай давлат ва ижтимоий тузилма яратиш кераккки, унда кучли марказий ҳокимият ўз саъй-ҳаракатларини мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқароларнинг хавфсизлиги, тартиб-интизом, ташқи сиёсат, валюта — молия, солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа стратегик вазифаларини амалга ошириш сингари асосий умуммиллий вазифаларга қаратмоғи зарур.

Бошқа масалаларни ҳал этиш эса аста секин марказдан жойларга давлат ҳокимияти органларидан жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказилиши лозим».

Шундай қилиб, давлат органларини номарказлаштириш масаласини ҳал этиш билан бир қанча долзарб масалалар ўз ечимини топиши аён бўлиб турибди. Бунинг натижасида ўз-ўзидан давлат ва фуқаролар олдида нафақат жойлардаги маҳаллий ўзи-ўзини бошқариш органлари фаолияти такомиллашади. Балки, марказий давлат тузилмалари иши ҳам енгиллашади. Жойлардаги маҳаллий ҳокимиятларнинг, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларининг масъулияти янада ошади. Бу эса сўзсиз бугунги куннинг талаби, эртанги XXI асрнинг ҳаёт усулидир.

**О. ТАНГИБЕРДИЕВ.**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**

*Яхшилар ёди*

# БОРИ ЭЛГА ЯХШИЛИҒ ҚИЛҒИЛ...

Ҳузур-ҳаловатга тўла 1977 йилни эслайман. Бахтим чопдими, омадлироқ эканманми, ҳарқалай, мени «Ёш ленинчи» («Туркистон») газетасига яна ким денг, нақ Бош муҳаррирнинг ўзи ишга таклиф қилган эди.

Ҳали журналистика отлиқ ҳилқатнинг пасту баланди, наъшу намоси нималигини яхши билмайман, ўшанда. Ун учинчи қаватга чиқсам, қаршимда ўртабўйли, қопқора сочлари силлиқ қилиб таралган, кўзойнак ортидан кўмкўк кўзлари кулиб турадиган ўзим тенги бир йигит пайдо бўлиб, қучоқ очди:

— Ҳа, шоир, бирга ишлайдиган бўлибмизда!

Ғалати аҳволга тушиб қодим, чамаси. Бу йигитнинг самимияти, тортинчоқлик нималигини билмайдиган хатти-ҳаракатлари, қучоқ очиб кутиб олишлари мени ўзига ром этди.

Бу ўша пайтларда ёшлар газетаси саҳифаларида ўзининг турли-туман мақолаларию, очерклари, ҳикоялари, қиссалари билан кенг жамоатчилик фикрини торта олган, ёш бўлишига қарамай таниқли ёзувчи Саид Аҳмаднинг олқишларига сазовор бўлган Мирзакарим Пирматов эди.

Мирзакарим одамларга жиндек бўлса-да қувонч улашишни севадиган, очиққўнгил, дўстларига ўта меҳрли, оиласига садоқатли инсон эди.

Биз тезда апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Одатда таҳририятга янги келган ёш ходим жамоанинг пастубаландининг ҳадисини олгунча бир оз қийналди.

Ҳозир эслаб кўрсам, ўшанда Мирзо мени ана шундай қийинчиликлардан халос қилган экан. Кўпинча мен бирор нарсани ёзишдан қийналиб қолсам, дафтар-қаламимни кўтариб, Мирзонинг «Қорақамиш» мавзеидаги хонадонига борардим. Мукаррамахоним ҳам, Музаффару, Муҳтарама, ҳатто жажжигина Муҳаррама ҳам худди ўз қадрдонларини кутиб олгандек қарши олардилар.

Биз Мирзакарим икковлон унинг чоғроққина дарсхонасида ўтириб олиб, алламаҳалгача мақолалар ёзар, турли-туман мавзуларда баҳслашардик.

Бундай суҳбатларда Мирзо кўпинча Бобурмирзони тилга олар, унинг бу инсонга ҳайрати шу қадар баланд, меҳри шу қадар дарё эди-ки, бундай меҳрни ҳеч кимда, ҳеч қаерда учратмагандим. У Бобурнинг болалиги ҳақида, «Дунё дарахти» деган роман ёзишга тайёргарлик кўриб юрарди. Аммо бу орзу-армон бўлиб қолди деб ўйлайман.

Кўнглимда бир армон бор. Унинг талх мевалари таъми қалбимнинг туб-тубларигача ўрнашиб олганга ўхшайди. Бу армон — ўзининг эллик ёшини ўзи муҳлислари, фарзандлари кўзларида ёш, қалбларида армон билан эслаган, хотирасига нақшланган кундир.

Зеро, дўстим Мирзакарим қилиб улгурмаган эзгу ишларни унинг шогирдлари, фарзандлари амалга оширади деган умид кўнглимта сал бўлса-да, тасалли беради. Илоҳим шундай бўлсин!

**Шавкат ТУРОБ.**

## «Дамас» — Тез ёрдам




Асакадаги «УзДЭУавто» корхонаси ўзининг илк меваларини бера бошлаганда бир марта кўкрагимизни кўтариб олган эдик. Қачонки, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган машиналар жаҳон бозорида ўз муносиб ўрнини топиб, унинг харидорлари ўзаро талашиб бошлаганида иккинчи марта кўксимизда фахр туйғулари туғён урди. Буни қарангки, бугун ўзбек «Дамас»лари тез тиббий ёрдам машиналари ўрнини ҳам эгаллай бошлади Бугунгача диёримиздаги бир қанча соғлиқни сақлаш жамоалари «Дамас» тез тиббий ёрдам машиналарига эга бўлишди.

*Қонун барчага баробар*

# ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДАМИ?

Вилоят марказида катта куча буйлаб ўқдек учиб келаётган машинани аранг кўзим илғаб қолди. Серқатнов, бунинг устига пиёда йуловчилар дарёдай оқиб турган йулда темир бедовини бунчалик шамолдай учирган ким бўлди экан? «Бир бойваччадир-да, шунинг ҳам қайғуси тушдими сизга?» деди ҳамроҳим. Шу машина яна беш минутлардан сунг қайтди-да, тормоз зарбидан баллонлари чинқираганча енгинамизда тўхтади.

Томоша қилдик. Кабина ойналари қоп-қора, ичкарида ким борлигини билиб бўлмайди. Машина башанг безатилган, шу маҳал ДАН ходимининг ҳуштаги эшитилди.

— Ҳа, буларни тартибга чақирадиганлар бор экан-ку? — деди ҳамроҳим.

— Биз ҳеч кимга шафқат қилмаймиз, — дейди вилоят давлат автомобиль назорати инспекцияси бошлиғи муовини Ҳамид Каримов. — Қонун барча учун баробар. Чори Ҳайрулов, Тўлқин Қурбонов, Хонтўра Амиров, Панжи Абдушукуров, Менгбой Латипов сингари ҳамкасбларимнинг хизматидан эл мамнун бўлаётир.

## «МАНСАБИДАН ҚЎРҚМАСЛИК КЕРАК».

А. Абдиев аслида бош ҳисобчи У Э. Бердиев номли жамоа хўжалигида вақтинча раис вазифасини бажаради. Аммо, Абдиев мансаб курсисига ўтиргач, йўл қоидаларини унчалик назар-писанд қилмай қўйди. Биринчидан, хўжаликдаги тракторчиларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаса-да, уларнинг ишлашига рухсат этди. Иккинчидан, ишга жўнатилган тракторлар носоз бўлса-да, бепарво қўл силтади: «Бир бало қилиб бориб келса бўлди-да!» Нима учундир раҳбар бўла туриб бу хатти-ҳаракатлари амалдаги қонун-қоидаларга зид эканлигини хаёлига келтирмади. Бу ҳолни давлат автомобиль назорати ходимлари ҳам эътиборсиз қолдирмадилар: улар А. Абдиевдан бир минг бир юз сўмни жарима сифатида ундириб олишди.

— Бизга колхоз раисими, ҳисобчисими ёки деҳқонмифарқи йўқ-деди Шеробод тумани давлат автомобиль назорати инспекцияси бошлиғи Баҳодир Хушбоқов. — Баъзан буйинбоғ тақиб, ҳеч кимни назар-писанд қилмайдиган мансабдор «шофёр»ларнинг адабини беришга тўғри келяпти. Чунки, бундай мансабдорларнинг айримлари қонун билан унчалик ҳисоблашмайдилар. Биз эса унинг эгаллаган вазифасидан қўрқиб ўтирмаймиз. Айниқса, Эргаш Ботиров, Жовли Жомаматов, Қўшоқ Хўжамбердиев, Эргаш Луқмонов, Иброҳим Ғаффоров,Абдулла Алиқуловлар йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишини пухта назорат қилишяпти.

Натижада...

ДАН ходимлари дафтарида қуйидаги ёзувлар пайдо бўлди:

«Инспектор Жовли Жомаматов бу йил Узбекистон Президентининг фармонига мувофиқ «Жасорат» медали билан мукофотланганлиги бежиз эмас. У Шеробод ДАН постида турган эди. Келаётган М-2141 русумли 28-22 ХТ автомашинасига негадир шубҳа билан қаради. Машина Тожикистон Республикасига қарашли бўлганлиги учунгина эмас, нима учундир шофёрнинг кўзлари бежолиги, худди ўғриники сингари атрофга тикилиб қараётганлиги сабабли гумони янада ошди. Жовли машинани тинтув қилиб чиққанлиги яхши бўлган экан. Унда қурол-яроғ, бешта граната, иккита Макаров тўппончаси ўқланган ҳолда, иккита «АКМ» автомати ўқланган ҳолда, гранатамёт борлиги ошкор бўлиб қолди.

Қизиқ, бу машина Тожикистондан то Шерободгача қарийб беш-олтита ДАН постидан қандай қилиб эсон-омон ўтиб олди экан? Буниси бизга қоронғу.

## ҚИММАТГА ТУШГАН АРОҚХЎРЛИК

— Ходимларимизга нисбатан талабчанлик, масъулият ҳиссини янада оширдик, — дейди Қизириқ тумани давлат автомобиль назорати инспекцияси бошлиғи Менгнор Номозов. — Айниқса, Уктам Зулфиқоров, Баҳром Ҳасанов, Рустам Ҳолиқов, Поён Алиёровларнинг меҳнати туфайли йўлларда бахтсиз ҳодисаларнинг олди олиняпти. Улар фақат постда туриш билан кифояланмасдан мактабларда, ўқув юртларида, хўжалик ва ташкилотлардаги ёшлар ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришаётир. Бу ўз самарасини кўрсатмоқда. Кейинги ойларда йўл ҳаракати қоидаларини бузувчилар анча камайди. Энг муҳими, қоидага амал қилмаганлар жазосиз қолмаётир. Улар кимлар дейсизми?

Мана эшитинг. Қизириқ тумани йўл қурилиши ташкилоти бош муҳандиси Бекқелди Эшбўриев, Ҳ. Эшонов номли жамоа хўжалиги муҳандиси Одина Мисиров, «Гиламбоб», «Истара» жамоа хўжаликлари ва сув хўжалик бошқармаси механиклари Салим Шаропов, Баҳодир Бозоров, Ўроз Муродовлар шундай қоидабузарлар сафидан жой олдилар. Улар ўзлари ишлаётган ташкилот ва хўжаликларда трактор ҳамда машиналарнинг техник носоз ҳолда кўчага чиқишига йўл қўйганлар. Ҳайдовчиларни ўз вақтида назорат қилмаганлар. Баъзилари эса трактор тиркамаларига йўловчиларни миндиришсада бепарво бўлишган. Юқоридаги шахслар Узбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 139,-125 — моддалари 5-қисмига асосан маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

... Йўлда чайқалиб келаётган ҳайдовчи ДАН назоратчисининг ола таёқ кўтарганини кўриб, машинасини таққа тўхтатди. Тормознинг кучли зарбидан машина чайқалиб, йўлнинг ўртасида кўндаланг бўлиб қолаёзди.

— Э булар маст-ку?

Қизиқ, ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, ароқ ичган ҳолда рулни бошқараётганлар кимлар экан? Ажабланарлиси шундаки, уларнинг кўпчилиги тўппа-тузук идораларнинг масъул ходимлари. Қизириқ таъминот базаси механиги Холсаид Бердимуродов, Тикувчилик фабрикаси ҳисобчиси Абдулла Турдиев, солиқ инспекцияси назоратчиси Фахриддин Нурманов, «Истара» жамоа хўжалиги ветеринария врачи Рустам Каримов, Термиздаги назорат-тафтиш бўлими тафтишчиси Ҳайдар Маҳмаҳталиев, Қизириқ агросаноат уюшмаси бўлим бошлиғи Қаюм Ҳамроев, ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси Хўжамурод Ашуров... Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин. Улар ароқхўрлик айб эмас деб ўйлашади. Аммо, машина рулини бу аҳволда бошқариш охир-оқибат бирор фалокатни бошлаб келишини наҳотки англамасалар? Ахир, туманда мастлик туфайли юз берган автоҳалокатлар натижасида кўнгилсиз ҳодисалар ҳам бўлганлигини наҳотки эшитишмаган?

Хуллас калом, уларнинг мастлиги арзонга тушмади. ДАН ходимлари тузган баённомага асосан анча миқдорда жарима билан «сийландилар». Эҳтимол энди тавбасига таянишган бўлишса керак.

Баъзилар фалокат оёқ остида, дейишади, балки шундайдир... Аммо, одамнинг ўзигаям боғлиқ-да...

**Жовли ХУШБОКОВ,**
**«Туркистон» мухбири**

